



ПАРТИЯ ТАШАББУСИ

ЭЛЕКТОРАТ КАЙФИЯТИ ВА ИШОНЧИ – АСОСИЙ МЕЗОН

Фарғонада ЎзДПнинг республика миқёсидаги семинари ўтказилди



Хар қандай ташаббуснинг асл қиймати инсонлар ҳаётида сезиладиган ўзгаришлар билан белгиланади. Чунки оддий инсон учун унинг овози эшитилиши, муаммосига бефарқ қаралмаслиги ва керакли пайтда ёнида туриб, кўмак берадиган куч борлигини ҳис қилиши ҳаммасидан муҳим.

Партия фаолияти ҳақида гапирганда ҳам, энг аввало, унинг одамлар билан қанчалик яқин экани, жамиятдаги янгиликни жараёнларига қай даражада дахлдор бўлаётгани асосий мезонга айланганини эътироф этмоқ ўринлидир. Чунки халқ билан ишлаш — бу фақат учрашувлар ўтказиш ёки фикр

алмашиш эмас, балки ҳар бир инсоннинг дардини тушуниш, ҳамнафас бўлиш ва ишончли муносабат ўрната олиш билан ўлчанади.

▶ (Давоми 2-бетда)

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ – АМАЛДА

ҲУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ БЎГИНИ

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида инсон капиталига инвестиция киритиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Бу борада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таълим тизимининг барча бўғинларини меҳнат бозори талаблари билан уйғунлаштиришни кафолатламоқда.



▶ (Давоми 4-бетда)

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

ТАСКИН ВА УМИД – КЎНГИЛ ҲАЛОВАТИ



3

МУЛОҲАЗА

Йўлларда ҳаракатланиш маданияти: БИЗ ҚАЧОН БУНГА АМАЛ ҚИЛАМИЗ?



7

ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!

ҚАЛБИМИЗДА ИФТИХОР ҲИССИ ЮКСАЛМОҚДА



ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ХАРИТАСИДА СУВЕРЕН ВА ШИДДАТ БИЛАН РИВОЖЛАНАЁТГАН ДАВЛАТ СИФАТИДА МУСТАҲКАМ ЎРИН ЭГАЛЛАБ КЕЛМОҚДА. ЎТГАН ДАВР МОБАЙНИДА БОСИБ ЎТИЛГАН ЙЎЛ ОСОН КЕЧМАДИ. БИРОҚ ХАЛҚИМИЗНИНГ МАТОНАТИ ВА ФИДОКОРОНА МЕҲНАТИ ТУФАЙЛИ БИЗ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИГА ЧИҚДИК. БУГУНГИ ЁШЛАР ДУНЁ БИЛАН БЎЙЛАШАЁТГАН, ЗАМОНАВИЙ БИЛИМЛАРНИ ЭГАЛЛАГАН ЯНГИ АВЛОД ВАКИЛЛАРИДИР. МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 35 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ БИЗНИ ЯНАДА ЖИПСЛАШИШГА ВА КЕЛАЖАК САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ ТАШЛАШГА ЧОРЛАМОҚДА.

▶ (Давоми 6-бетда)

ИНСОН ҚАДРИ



МЕҲР ВА ЭЪТИБОРНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

БАЪЗАН ИНСОН КЎНГИЛНИ КЎТАРАДИГАН БИР ОФИЗ СЎЗ ВА МЕҲРГА МУҲТОЖЛИК СЕЗАДИ. АЙНИҚСА, ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАЛАР, НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ВА ЁЛҒИЗ КЕКСАЛАР УЧУН ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКНИНГ ҚАДРИ, ТАФТИ БЎЛАКЧА.

▶ (Давоми 5-бетда)

ПАРТИЯ ТАШАББУСИ

ЭЛЕКТОРАТ КАЙФИЯТИ ВА ИШОНЧИ

– АСОСИЙ МЕЗОН

Фарғонада ЎзХДПнинг республика миқёсидаги семинари ўтказилди

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Ўтган ҳафтада ЎзХДП ташаббуси билан Фарғонада ўтказилган семинар жараёнлари мана шу ҳақиқат билан яна бир бор юзма-юз қилди.

Бугунги кунда замон ҳам, одамларнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳам ўзгармоқда. Энди фаолиятни янги ёндашувлар асосида ташкил этиш, аҳоли билан ишлашнинг самарали усуллари излаш, мурожаатларни чуқур ўрганиш ва улар орқали ҳудудлардаги ҳақиқий ҳолатни кўра билиш муҳим. Бу жараёнда бошланғич партия ташкилотлари, ҳудудий бирлашмалар ва депутатлик тузилмалари ҳал қилувчи куч саналади. Чунки айнан улар халққа энг яқин бўлган, жойлардаги кайфият ва эҳтиёжларни яхши биладиган асосий бўғин ҳисобланади.

Семинар аввалида партия Марказий Кенгаши масъуллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар кенгашлари раислари шу ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар.

Иштирокчилар партия фаолиятини замонавий ёндашувлар асосида ташкил этиш, аъзолар билан ишлаш, электорат вакиллари, умуман, сайловчилар манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш бўйича илғор тажрибаларга эътибор қаратишди.



фаолият юритаётган бошланғич партия ташкилотлари халқ билан партия ўртасида мустаҳкам кўприк вазифасини бажармоқда.

Шу маънода, Фарғона вилоят партия кенгаши томонидан йўлга қўйилган "Йилнинг энг яхши БПТ етакчиси" кўриктанлови оддий танлов эмас, балки жойларда фидокорона меҳнат қилаётган партия фаолларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг тажрибасини оммалаштириш ва бошқаларга намуна сифатида кўрсатишга хизмат қилаётган муҳим лойиҳадир. Мазкур

бўлган шахслар ва хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ҳамда уларни самарали бартараф этишда жамоатчилик назорати механизми ва депутатлик бирлашмаларининг ўрни хусусида ҳам сўз юритилди.

Аҳоли мурожаатларини шунчаки рўйхатга олиш эмас, балки уларнинг келиб чиқиш сабабларини "маҳаллабай", "ҳонадонбай" таҳлил қилиш ва тизимли муаммоларни маҳаллий Кенгаш сессияларига олиб чиқиб, мутасадди идоралар олдида аниқ масала сифатида қўйиш лозимлиги қайд этилди.

Халилла ҲШИМБЕТОВ, ЎзХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси:

– Асосий мақсад — ҳар бир мурожаат ортида қандай ижтимоий муаммо турганини аниқлаш, унинг келиб чиқиш сабабларини «маҳаллабай» ва «ҳонадонбай» асосда чуқур таҳлил қилишдан иборат. Чунки битта мурожаат баъзан фақат бир инсоннинг муаммоси эмас, балки бутун маҳалла ёки ҳудуд учун хос тизимли масаланинг учқун бўлиши мумкин.

Шу боис ҳозир фаолиятимизда мурожаатлар ортидаги муаммоларни ҳал қилишга алоҳида аҳамият беряпмиз. Агар бир ҳудудда бир хил мазмундаги мурожаатлар такрорланаётган бўлса, бу алоҳида ҳолат эмас, балки таҳлил ва амалий чораларни талаб қиладиган тизимли муаммодир. Ана шундай ҳолатларда масалани маҳаллий Кенгаш сессияларига олиб чиқиш, мутасадди идоралар раҳбарлари олдида аниқ вазифалар қўйиш ва ижросини қатъий назорат қилиш зарур.

Ҳақиқий натижа бир мурожаатга жавоб хати бериш билан эмас, балки шу каби

эҳтиёжни англашдир. Шунинг учун мурожаатларга расмийлик билан эмас, масъулият ва инсонпарварлик тамойили асосида ёндашиш талаб этилади.

Бугун одамлар партиядан фақат фикр билдиришни эмас, балки амалий ёрдам ва натижа кутади. Шу боис ҳудудий партия тузилмалари маҳалла ва ҳонадонлар кесимида иш олиб бориб, муаммоларни аниқлаш, уларни тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал этиш ва фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда фаоллик кўрсатиши зарур.

Жамиятимизда ҳар бир инсон, хусусан, электорат "Менинг мурожаатим тингланади, муаммом ҳал бўлади", деган ишонч билан яшати керак. Ана шундай ишончни шакллантира олган партиягина халққа яқин, унинг дарди билан яшайдиган ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлган кучга айланади.

Тадбирнинг энг муҳим воқеаларидан бири сифатида партиянинг ягона мобил иловаси концепцияси тақдиротини келтириш мумкин. Мазкур лойиҳа партия аъзолари, депутатлар, бошланғич партия ташкилотлари ва партия ходимлари ўртасида тезкор ва шаффоф мулоқотни таъминлаш, мурожаатлар билан ишлашни автоматлаштириш ҳамда партия фаолиятини ягона рақамли бошқарув модели асосида ташкил этишга қаратилган.

Шунингдек, аҳоли ва ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилувчи "Ғоядан қонунгача" экотизимини яратиш ҳамда Ўзбекистон ХДП ташкил топганлигининг 35 йиллиги муносабати билан "35 нафар ёш янги лидерлар" дастурини амалга ошириш таклифлари илгари сурилди.

Семинар якунида партия тизимида инновацион ёндашувлар, рақамли трансформация, ёшлар сиёсати ва ички рақобат муҳитини ривожлантириш бўйича белгилаб олинган вазифалар Ўзбекистон ХДП фаолиятини янада самарали ташкил этиш ва аҳоли манфаатларига хизмат қилувчи таъсирчан сиёсий институт сифатида ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Семинар доирасида иштирокчилар учун назарий машғулотлар билан бир қаторда амалий тажриба алмашиш тадбирлари ҳам ташкил этилди. Жумладан, Марғилон ва Қўқон шаҳарлари ҳамда Бешарик туманида партия кенгашлари томонидан амалга оширилаётган ишлар, аҳоли билан мулоқот ва электорат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича илғор тажрибалар билан яқиндан танишишди.

Икки кун давом этган амалий ўқув-семинар якунида иштирокчилар партия фаолияти самардорлигини ошириш, замонавий бошқарув ёндашувларини кенг жорий этиш,



Бу борада Фарғона вилоятидаги партия кенгашларининг фаолияти, ютуқлари алоҳида тилга олинди, намуна қилиб кўрсатилди.

Шохруҳ ЎКТАМОВ, ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси:

– Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгашидаги фаолиятимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб, биз партия тизимида "одатий иш услуби"дан "самарадорлик ва ташаббус муҳити"га ўтиш даврини бошладик. Бу эса ҳар бир ходимдан, ҳар бир депутатдан ва ҳар бир партия фаолидан замон талабига мос фикрлаш, масъулият ва ташаббускорликни талаб этмоқда.

Партия вилоят кенгаши шунчаки "мувофиқлаштирувчи" тузилма эмас, "қўмақлашувчи" тузилмага айлантирилди.

Шу ўринда таъкидлашни истардимки, бугун ёшларга кўпроқ ваколат бериш қанчалар натижадор ёндашув эканини Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолиятининг кўллаб йўналишлари мисолида яққол кўрмоқдамиз. Ҳа, партиямиз ёшлар тилида гапиришнинг уйдасидан чиқяпти, десак янглишмаймиз.

Фаолиятимизнинг дастлабки даврида партия тизимида ишлаётган ходимларнинг ўртача ёши 43 ёш бўлган бўлса, бугунги кунга келиб ўртача 36 ёшни ташкил этмоқда. Биз бугун сиёсатни кеча билан эмас, келажак билан бошқариш, технологиялар сиёсатдан тезроқ ҳаракат қилаётганлигини чуқур англаб етиб, фаолиятимизга татбиқ этиш борасида изланмоқдамиз.

Бугунги кунда партиямиз сафида 146 минг 665 нафардан зиёд аъзо бирлашган бўлиб, мазкур кўрсаткич билан нафақат вилоятлар орасида етакчи, балки вилоятда фаолият юритаётган сиёсий партиялар ичида ҳам пешқадаммиз.

Яна бир гап. Бизнинг энг муҳим кучимиз ва таянчимиз — бу инсонларга энг яқин турган, уларнинг дардини эшитадиган, муаммоларига биринчи бўлиб қўлоқ тутадиган бошланғич партия ташкилотларидир. Чунки партиянинг халқ орасидаги нуфузи ҳам, таъсирчанлиги ҳам айнан қўйи бўғин фаолиятига бевоқифа боғлиқ. Ҳар бир маҳалла, ҳар бир меҳнат жамоаси ва ҳар бир ташкилотда

танлов бошланғич партия ташкилотлари фаолиятига янги рух, янги ҳаракат ва янги ташаббусларни олиб кирди. Натижада қўйи бўғинларда ҳақиқий партиявий жонланиш юзага келди, фаоллар ўртасида соғлом рақобат ва масъулият муҳити шаклланди.

Ана шу эзгу ташаббуснинг мантиқий давоми сифатида ҳар йили 11 апрель санаси Фарғона вилоятида "Бошланғич партия ташкилотлари кунин" сифатида нишонланаётгани алоҳида аҳамиятга эга. Бу сана партиямиз тарихида қўйи бўғин фаолиятига берилган юксак эътиборнинг ёрқин намунасидир.

Ҳар қандай ютуқ ортида инсон меҳнати, фидойилиги ва масъулияти туради. Бошланғич партия ташкилоти етакчилари эса ана шундай масъулиятни ўз зиммасига олган инсонлар. Улар одамларнинг мурожаатларини эшитади, муаммоларини ўрганади, ташаббусларини қўллаб-қувватлайди ва партиянинг халқчил ғояларини ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этади. Шунинг учун ҳам уларнинг меҳнатини эътироф этиш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш партия олдидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Эътиборли томони, шу кунга қадар 200 нафарга яқин бошланғич партия ташкилоти етакчилари кўшимча равишда муносиб рағбатлантирилди. Бу рақам ортида эса юзлаб амалий ишлар, ҳал этилган муаммолар, қўллаб-қувватланган ташаббуслар ва халқ ишончини қозониш йўлида қилинган улкан меҳнат мужассам. Айни эътироф жойларда фаолият юритаётган минглаб партия фаоллари учун кучли мотивация, янги марралар сари интилиш ва янада катта масъулият билан ишлашга ундамоқда.

Бугунги кунда партия фаолиятининг самарадорлиги юқори минбарларда эмас, балки маҳалла ва меҳнат жамоаларида, одамларнинг кайфияти ва ишончида намоён бўлади. Шу боис Фарғона вилояти партия ташкилоти келгусида ҳам бошланғич партия ташкилотларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг нуфузини ошириш ва энг фаол етакчиларни муносиб рағбатлантиришга доимий эътибор қаратади. Чунки кучли партиянинг пойдевори кучли бошланғич партия ташкилотларидир.

Семинар давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож, эҳтиёжманд оилалар, ноғиронлиги



мурожаатларнинг қайта такрорланишига сабаб бўлаётган омилларни бартараф этишда кўрилади. Айнан шундай ёндашув орқали мурожаатлар билан ишлаш тизими расмийликдан чиқиб, аҳоли манфаатларига хизмат қилувчи таъсирчан механизмга айланади.

Семинарда аҳоли мурожаатларини самарали ҳал этиш, одамларнинг оғирини энгил қилиш Халқ демократик партиясининг устувор мақсадларидан бири экани, ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро бу имкониятдан фойдаланишида партиянинг ҳудудий бирлашмалари таянч бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Акмал УМАРАЛИЕВ, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси:

– Ҳудудий бирлашмаларнинг энг муҳим вазифаси — халқ билан доимий мулоқотда бўлиш, аҳолининг дардини эшитиш ва ҳар бир мурожаат ортида турган ҳақиқий

ёш кадрларни қўллаб-қувватлаш ва рақамли трансформация жараёнларини жадаллаштириш бўйича ўзаро фикр ва тажриба алмашишди.

Партиянинг сиёсий куч сифатидаги таъсирини унинг жамият ҳаётидаги иштирокида, халқ билан қанчалик яқин мулоқот ўрната олганида кўриш мумкин. Халқ ишончи бир кунда шаклланмайди, у аҳоли билан доимий учрашувлар, самимий мулоқотлар ва амалий ишлар натижаси ўлароқ юзага келади.

Фарғонадаги семинар эса ана шу йўлда муҳим қадам бўлди, дейиш учун тўлиқ асосимиз бор. У нафақат тажриба ва фикр алмашиш, балки партия фаолиятида янги ёндашувларни белгилаб олиш, мавжуд имкониятларни янада самарали ишга солиш ва қўйи бўғинлар фаолиятини кучайтириш учун очик мулоқот майдони вазифасини ўтади.

Лазиза ШЕРОВА,
"Ўзбекистон овози"
муҳбири.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

ТАСКИН ВА УМИД – КҮНГИЛ ҲАЛОВАТИ



Ҳаётнинг паст-баландликларидан тобланган инсон ҳар қандай қийинчиликни ирода ва сабот билан енгиб, ёруғ манзиллари сари интилишда давом этади. Унинг мардонавор қатъияти, буқилмас матонати фақат биргина синов қаршида – жондай азиз фарзанди дардига дармон топа олмаган чоғдагина ожиз қолиши мумкин. Айниқса, бир пайтлар ёниб турган маъсум кўзларидан нур қочаётган дилбандини қайта оёққа турғазига жаҳд қилган, бироқ қўли калталиги боис умидсиз қолган инсонни кўрганмисиз? Руҳи синиқ, ҳаловатдан айро тушган, тунларни кунларга бедор улаб ўтказаётган бундай шикаста қалблар орамизда йўқ, дейсизми?

Наманганлик Гулҳаё Парпиева оз эмас, нақ тўққиз йилдири, туғма юрак нуқсонидан азият чекаётган қизалоғининг дардига чора излаб яшайди. Ҳар бир кунни хавотир, ҳадик билан қарши олади, тенгдошларига қараганда нимжон, алоҳида эътиборга, парваришга муҳтож қизининг аҳволи оғирлашиб қолишидан қўрқади. Бироқ қизини бу хасталиқдан даволатиш учун жарроҳлик амалиёти керак, жарроҳлик амалиёти учун эса талаб қилинадиган маблағни оилавий аҳволи “қўтармайди”.

- Пул топиш учун қанча ҳаракат қилдик, барибир бўлмади, - дейди Гулҳаё. - Кимлардан ёрдам сўрадим, қанча эшикларни қокдим... Буткул умидсиз, тушун аҳволда қолган эдим. Қизим ҳатто иситмаласа ҳам, юрагим кўркүвдан, ҳавотирдан минг бўлакка бўлинар эди. Шундай кунларнинг бирида

ҳаётимиз бутунлай ўзгариб кетди. Қўрбон ҳайити кунларидан эшигимизни маҳалламиздаги ижтимоий ходим тақиллатиб келди. Президентимизнинг қарори асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг оғир касал болалари давлат томонидан бепул операция қилиниши, шулар қаторида қизим Гулсалга ҳам операцияси учун ваучер берилишини айтганида, кутилмаган бу янгиликдан бошимиз осмонга етди.

Дарҳақиқат, давлат раҳбарининг шу йил 22 майдаги “Муборак Қўрбон ҳайити муносабати билан аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва меҳр-саховат тадбирларини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги қарори Гулҳаё сингари юртимиздаги минглаб оналар қалбига умид ва таскин аталмиш ёруғ ҳисларни олиб киргани рост.

Ушбу ҳужжатга кўра, республикамизда оғир ва ногиронликни келтириб чиқарувчи касалликларга чалинган 10 минг нафар болада жарроҳлик амалиётини ўтказиш, 2,3 минг нафар онкологик, гематологик ва онкогематологик ташхиси қўйилган беморларнинг тиббий текшируви, даволаниши ва операцияси, шунингдек, камида 350 нафар беморда жигар ва буйрак трансплантацияси харажатлари давлат мақсадли жамғармалари ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан “Вақф” хайрия фонди орқали қоллаб берилиши ҳақидаги хушхабарни ҳар бир юртдошимиз зўр хурсандчилик билан қарши олди. Ижтимоий давлат принципларининг амалдаги ёрқин исботи бўлган бу эзгу ташаббус бугун юзлаб оилаларга ҳаловат улашмоқда, эртанги кунга ишонч ҳиссини бахш этмоқда.

Гулҳаёнинг кизи Гулсалда ҳам юрак жарроҳлик амалиёти муваффақиятли ўтказилди.

- Қизимни пойтахтга, Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказига олиб келдик, - дея давом этади Гулҳаё. - Бепул операция қилишди. Барака топишсин, докторларимиз қўли энгил экан, қизим дарров ўзига келди. Ҳозирда аҳволи анча яхши, асосийси, туғма дардан қутулди. Қанчалар

бахтиёрлигимни, давлатимиздан миннатдорлигимни сўз билан ифодалаб беролмайман. Билишимча, бу хирургия марказида қизимга ўхшаган ўнлаб болалар турли оғир касалликлар бўйича бепул операция қилинаётган экан. Шунинг ўзиёқ юртимизда ҳар бир болага, ҳар бир онага, умуман, ҳар бир эҳтиёжманд инсонга давлат эътибор ва ғамхўрлик кўрсатаётгани исботи эмасми?!

Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази шифокор-жарроҳи Абдурашид Абдукаримовнинг айтишича, Президентнинг юқорида келтирилган қарори асосида нафақат болалар, балки “Вақф” жамғармаси орқали келган турли ёшдаги беморларда юракда очик ва ёпиқ мураккаб операциялари, жигар, буйрак трансплантацияси, коронар-шунтлаш ҳамда бошқа юқори технологик ва ҳаттоки робот ёрдамида жарроҳлик амалиётлари бажарилмоқда. Ҳозирга қадар юз нафарга яқин ана шундай беморлар операция қилинди ва даволанди. Марказга беморларнинг келиши давом этмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, Президентимизнинг “Муборак Қўрбон ҳайити муносабати билан аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва меҳр-саховат тадбирларини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида шу йилнинг

19 июнь ҳолатига юртимиз бўйлаб 2 минг 186 нафар бемор бола тиббиёт муассасаларига ётқизилиб, уларнинг 1 минг 440 нафаридан юқори технологик жарроҳлик амалиёти ўтказилган. Бундан ташқари, 672 нафар онкологик, гематологик ва онкогематологик ташхиси қўйилган беморлар даволаниш учун жойлаштирилган ва 162 нафаридан мураккаб операция бажарилган. 21 нафар беморда жигар ва буйрак трансплантацияси амалга оширилган.

- Яқин кунларда менда ҳам буйракни кўчириб ўтказиш амалиёти бажарилиши керак, - дейди пискентлик Баҳодир Жумаев. - Укам донор бўляпти. Ҳозир мени операцияга тайёрлашпти. Жони оғриқдан қийналиб, умрининг сўнги лаҳзаларини кутаётган одамга “Ҳали сиз кўп яшасиз, яна кўп йиллар оилангизга бош бўласиз, касаллик ва оғриқларингиз операциядан кейин йўқолади”, деган сўзлар жуда катта таскин эканини мен юрагимдан ўтказиб турибман... Ҳар бир инсонни кадрлаб, мен каби беморларни, эҳтиёжмандларни ўз муаммолари ва ташвишлари билан ёлғиз қолдирмаётган давлатимиздан миннатдорман.

Ф. МАҲКАМОВА,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.

СЕНАТОР СЎРОВИГА ТРАНСПОРТ ВАЗИРИ ҚАНДАЙ ЖАВОБ БЕРДИ?

“Ўзбекистон овози” газетасининг 2026 йил 10 июнь, 23-сонидан «Сенатор сўрови: “Фориш – Нурота” йўли қачон реконструкция қилинади?» сарлавҳаси остида Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси Ҳусан Эрматовнинг транспорт вазири Илҳом Маҳкамовга сенатор сўрови юборгани тўғрисидаги хабарни эълон қилган эдик.



Сенатор сўровида “Фориш – Нурота” йўлида олиб борилаётган таъмирлаш ишлари сабаб айрим участкаларда ҳаракатнинг бир томонлама ташкил этилгани, бу эса тирбандликларни келтириб чиқараётгани ва аҳоли норозилигига сабаб бўлаётгани қайд этилган. Шу билан бирга, юқори палата вакили соҳа мутасаддисидан йўл реконструкцияси қачон якунланиши, унинг транспорт ўтказувчанлик қуввати қандай бўлиши, “Тошкент – Самарқанд” автомагистралдаги ортиқча юкларни камайтириш бўйича қанақа чоралар кўрилаётгани ҳақида маълумот сўраган.

Транспорт вазири Илҳом Маҳкамов томонидан 2026 йил 17 июнда йўлланган 1/5501-сонли жавоб хатида сенатор сўровида кўтарилган барча масалалар атрофлича ўрганилгани маълум қилинди. Жавоб хатида Президентнинг 2024 йил 31 декабрдаги

қарорига мувофиқ, “Фориш – Нурота” йўналишидаги қатор автомобиль йўллари реконструкция қилиш бўйича лойиҳа концепцияси ишлаб чиқилган. Концепция халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгаши ҳамда Транспорт вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник кенгаш томонидан маъқулланган.

Ҳозирда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг таклиф ва эътирозлари инобатга олинган ҳолда такомиллаштирилган лойиҳа концепцияси қайта кiritилган. Лойиҳани амалга ошириш учун халқаро молия институтлари билан музокаралар олиб борилмоқда.

Лойиҳани амалга ошириш муддати 2027–2032 йилларга режалаштирилган. Мазкур автомобиль йўли II техник тоифа талаблари асосида лойиҳалаштирилган бўлиб, кунига 6 мингдан – 14 мингтагача транспорт воситалари ҳаракати

учун мўлжалланган. Шунингдек, Транспорт вазирлиги ва тегишли идоралар томонидан республика автомобиль йўллари тармоғининг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш, транспорт оқимларини яхшилаш ҳамда муқобил йўналишларни ривожлантириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллари реконструкция қилиш, айрим участкаларни кенгайтириш, замонавий транспорт инфраструктурасини ривожлантириш ҳамда янги юқори тезликдаги ва пулли автомобиль йўллари лойиҳаларини амалга ошириш чоралари кўрилмоқда.

“Фориш – Нурота” йўналишида Шароф Рашидов тумани худудидан ўтган 4R39 “Учтепа қ. – Октом қ.” автомобиль йўлининг 0-26 км қисмини ҳамда Фориш тумани худудидан ўтган 4R36 “Жиззах ш. – Янгиқошқоқ қ. – Қизилча қ. – Қизилқум ҳалқа йўли” автомобиль йўлининг 7-114 км қисмини реконструкция қилиш лойиҳаси ҳам транспорт оқимларини муқобил йўналишларга тақсимлаш ва асосий магистраллардаги юкларни қисман камайтиришга хизмат қилади.

Вазир жавобда республика автомобиль йўлларининг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш, муқобил йўналишларни ривожлантириш ва транспорт оқимларини самарали тақсимлаш бўйича тизимли ишлар давом этаётгани ҳам таъкидланган.

Шунингдек, байрам ва дам олиш кунларида аҳоли ҳаракатчилиги ортиши муносабати билан транспорт оқимлари мунтазам таҳлил қилиб борилаётгани, йўловчилар учун қўшимча автобус, темир йўл ва авиақатновлар ташкил этилаётгани маълум қилинган.



ИҚТИСОДИЙ ВА ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТГА ЯНГИЧА НАЗАР

Китоб инсон тафаккурининг маҳсули ўлароқ ўтмишни билиш, бугунни англаш ва келажакни барпо этишнинг маънавий асосларини яратишга хизмат қилади. Айниқса, халқ ва давлат ҳаётида юз берган муҳим ўзгаришлар ҳақидаги асарлар жамиятнинг кечаги йўлини холис баҳолаш, эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган хатолардан тўғри хулоса чиқаришга тўртки беради.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси, иқтисодий фанлари доктори, профессор Шарофиддин Назаровнинг «Эврилиш нуқталари: тарих ва келажак» номли китоби тақдироти бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда қўйи палата депутатлари, Ўзбекистон Фанлар академияси мутасаддилари ва иқтисодчи олимлар, Ёшлар парламенти аъзолари, илмий жамоатчилик вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Тақдиротда асар шунчаки ўтмиш воқеаларининг хроникаси ёки қуруқ иқтисодий рақамлар тўплами эмас, балки юртимиз босиб ўтган зиддиятли ва мураккаб йўлнинг холис, танқидий ва илмий нигоҳ билан қилинган таҳлили, дея эътироф этилди. Китобнинг марказий фалсафасини, муаллиф тили билан айтганда, «Эврилиш нуқтаси» концепцияси ташкил этиши таъкидланди.

Тадбирда сўз олганлар китобда эскича тизим ва инқирозга юз тулган моделдан воз кечиб, тубдан янгилашни ва юксалишга ўтиш жараёни ёхуд хатоларни тан олмасдан, эскилиқни ушлаб қолишга уриниб, таназзулга юз тутиш тўғрисидаги ҳақиқатлар келтирилгани фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Шунингдек, муаллиф миллий давлатчилигимиз тарихидаги иккита бутунлай фарқли даврни теран қиёслагани соҳа олимлари томонидан алоҳида қайд этилди.

Ўз муҳбиримиз

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ – АМАЛДА

ҲУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Айниқса, техникумлар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва таълим сифатини ошириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар мамлакат иқтисодиёти учун рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг янги моделини шакллантиришга тўртки бeryпти, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.



Замонавий иқтисодиёт шароитида таълимнинг асосий вазифаси фақат назарий билим бериш билан чекланмайди. Таълим инсонни мустақил ҳаётга тайёрлаши, унга меҳнат бозоридида муносиб ўрин эгаллаш имконини бериши, иқтисодий фаоллик ва рақобатбардошликни таъминлаши лозим. Шу нуқтаи назардан қараганда, техникумлар ёшларнинг касбий шаклланиши, меҳнатга тайёрлиги ва келгуси карьерасини қуришда муҳим ўрин тутадиган таълим муассасаси ҳисобланади.

Мазкур ёндашув техникумларни фақат таълим муассасаси сифатида эмас, балки иқтисодий тараққиёт ва аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилувчи стратегик институт сифатида кўриш имконини беради.

“Янги Ўзбекистон ёшлари – 2030” стратегиясини 2026-2027 йилларда амалга ошириш ҳамда ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қароридида ҳар йили 20 минг нафар ёшни

муҳим жиҳати шундаки, улар меҳнат бозори билан бевосита боғланган таълим муассасаси ҳисобланади. Илгари таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш жараёни асосан назарий ёндашувларга қурилган бўлса, бугунги кунда асосий эътибор амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилмоқда. Шу мақсадда таълим дастурларини ишлаб чиқишда иш берувчилар, тадбиркорлар ва тармоқ мутахассислари ҳам бирдек иштирок этаётди.

Ҳозирги кунда дунё меҳнат бозоридида рақамли технологиялар, сунъий интеллект, автоматлаштириш, робототехника ва яшил иқтисодиётга доир касбларга талаб юқори суръатда ўсиб бормоқда. Халқаро меҳнат ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти ҳамда ЮНЕСКО таҳлиллари касбий таълим тизимини меҳнат бозорининг тез ўзгарувчан эҳтиёжларига мослаштириш иқтисодий рақобатбардошликнинг муҳим омили эканини кўрсатмоқда.

Дунё тажрибасидан кўрамизки,

Натижада бу ўлканинг ёшлар ишсизлиги кўрсаткичлари Европа мамлакатлари орасида энг паст даражада сақланиб келмоқда. Бу ҳолат касбий таълим иқтисодий барқарорлик ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим воситаси эканини тасдиқлайди.

Финляндияда касбий таълим меҳнат бозори эҳтиёжлари билан чамбарчас боғланган. Мамлакатда юқори синф ўқувчиларининг салмоқли қисми олийгоҳларни эмас, касбий таълим муассасаларини танлайди. Таълим дастурларининг катта қисми иш жойларида ташкил этилади. Ўқувчилар реал иш муҳитида тажриба орттириб, меҳнат фаолиятини олиб борадилар. Финляндиянинг таълим сиёсатида “хаёт давомида ўқиш” тамойили устувор аҳамият касб этган бўлиб, касбий таълим муассасалари катталарни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг ҳам муҳим қисми ҳисобланади.

Осиё давлатлари тажрибаси ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Сингапурда техник таълим муассасалари мамлакат иқтисодий тараққиётининг асосий таянчларидан бири сифатида шаклланган. Institute of Technical Education тизимида таҳсил олган битирувчиларнинг аксарияти қисқа муддат ичида иш билан таъминланади. Жанубий Кореяда эса юқори технологияли sanoat эҳтиёжларидан келиб чиқиб ташкил этилган махсус техник мактаблар мамлакатнинг технологик тараққиётига хизмат қилмоқда. Бундай муассасалар робототехника, автоматлаштириш, электроника ва рақамли технологиялар соҳалари учун малакали кадрлар тайёрлайди.

Бундан англаш мумкинки, замонавий иқтисодиёт шароитида техникумлар ва бошқа касбий таълим муассасаларига сармоя киритиш мамлакат келажигига сармоя киритиш билан тенг аҳамият касб этади. Чунки юқори малакали мутахассислар sanoat ривожини таъминлайди, янги иш ўринларини яратади, меҳнат унумдорлигини оширади ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини мустаҳкамлайди.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда техникумлар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва таълим сифатини халқаро стандартлар даражасига олиб чиқиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатнинг узоқ муддатли тараққиёт мақсадларига тўлиқ мос келади.

Техникумларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан уларнинг моддий-техника базасига боғлиқ. Шу мақсадда 2026–2030 йилларда ўнлаб касбий таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва замонавий жиҳозлар билан таъминлаш бўйича аниқ мақсадли кўрсаткичлар белгиланган. Бу ишлар Касбий таълимни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши режалаштирилган.

Бугун техникумлар мамлакатнинг ҳар бир ҳудудидида иқтисодий ривожланиш нуқталарига айланиб бормоқда. Саноати ривожланган ҳудудларда муҳандислик ва техника соҳалари, аграр ҳудудларда агротехнологиялар, туристик ҳудудларда сервис ва меҳмондўстлик йўналишлари бўйича кадрлар тайёрланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, техникумлар Янги Ўзбекистоннинг инсон капитали сиёсатида марказий ўринни эгаллайдиган таълим муассасаларига айланмоқда. Улар орқали иқтисодиёт тармоқлари учун малакали кадрлар тайёрланади, ёшларнинг меҳнат бозорига кириб келиши осонлашади, мамлакат рақобатбардошлиги мустаҳкамланади. Шу маънода техникумлар бугунги кунда фақат таълим муассасаси сифатида эмас, балки ёшларни касбга йўналтириш ва камбағалликни қисқартириш сиёсатининг муҳим инструменти сифатида ҳам намоён бўлмоқда.

Фазилат ҲАКИМБАЕВА,
Касбий таълим агентлиги
ҳузуридаги
Касбий таълим моддий-
техника таъминоти маркази бош
юрисконсулти.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

КАСАЛЛИК НАФАҚАСИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ЎЗГАРДИ



2026 йил 1 июлдан бошлаб вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик (касаллик) нафақасини тайинлаш ва тўлашнинг янги тартиби жорий этилади. Янги тартиб 7 та муҳим ўзгаришдан иборат.

1. Молиялаштириш тартиби ўзгаради. Яъни касалликнинг дастлабки 5 кун ичун тўлов иш берувчи, 6-кундан бошлаб эса Давлат ижтимоий сугурта жамғармаси томонидан амалга оширилади.

2. Нафақа сугурта стажига қараб белгиланади.

Сугурта стажи 6 ойдан 8 йилгача бўлганда — ўртача иш ҳақининг 60 фоизи, 8 йилдан ортиқ бўлганда — ўртача иш ҳақининг 80 фоизи миқдоридида нафақа тўланади.

3. Имтиёзли тоифаларга стаж коэффицентини 20 фоизга оширилади.

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, 4 ва ундан ортиқ фарзанди бор ҳамда ногиронлиги бўлган фарзандни тарбиялаётган ота-оналар учун нафақа миқдори 20 фоизга оширилади.

4. Тўлов муддати:

ойнинг 1–15-кунлари тайинланган нафақалар — ойнинг 25-санасигача;

ойнинг 16-санадан кейин тайинланса — кейинги ойнинг 10-санасигача тўланади.

5. Касаллик нафақаси бир календарь йилида жами 182 кунга тўланади.

6. Нафақа ҳисоблашнинг энг юқори чегараси ҳам белгиланди:

нафақа ҳисобланганда ўртача иш ҳақининг МҲТЭКМ (меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори) нинг 10 бараваридан ошмаган қисми инобатга олинади.

7. Жараён рақамлаштирилди. Яъни эндиликда нафақа тайинлаш ва тўлаш жараёни инсон омилисиз, электрон шаклда амалга оширилади.

Янги тартиб касаллик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тизимини янада шаффоф, қулай ва адолатли қилиш, фуқароларга хизматларни тезкор ҳамда замонавий шаклда кўрсатишга хизмат қилади.



замонавий касбларга ўқитиш, 20 минг нафар ёшда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ҳамда уларнинг меҳнат бозорига интеграциялашувини таъминлаш вазифалари белгиланган. Мазкур мақсадлар техникумлар зиммасига янада катта масъулият юклайди. Чунки меҳнат бозори талаб қилаётган замонавий мутахассисларни тайёрлаш, аввало, касбий таълим муассасалари фаолияти самарадорлиги билан бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти иштирокида ёшлар билан ўтказилган очиқ мулоқотларда ҳам ёшлар бандлигини таъминлаш учун катта молиявий ресурслар сафарбар этилаётгани қайд этиб келинади. Хусусан, ўтган йили мазкур мақсадлар учун 400 миллион доллар йўналтирилган бўлса, жорий йилда ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун яна қўшимча 200 миллион доллар ажратилиши белгиланган.

Касбий таълим тизимида таҳсил олаётган ўқувчиларда меҳнат бозоридида талаб юқори бўлган замонавий касблар бўйича амалий кўникмаларни шакллантириш, уларнинг касбий компетенцияларини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, шунингдек, халқаро “Work and Travel” дастурлари орқали хорижий иш муҳити ва илгор тажрибалар билан таништириш орқали рақобатбардош мутахассис сифатида тайёрлаш бош мақсадга айланган.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда 600 дан ортиқ техникумларни бирлаштирган касбий таълим изчил ривожланиб бормоқда. Давлат раҳбарининг 2025 йил 23 октябрдаги тегишли қарори бу соҳада янги босқични бошлаб берди. Мазкур қарорга кўра, ҳудудларда илгор касбий маҳорат техникумларини ташкил этиш, уларни замонавий лабораториялар, ўқув-ишлаб чиқариш устандалари ва рақамли технологиялар билан жиҳозлаш ишлари назарда тутилган бўлиб, бу муассасалар келажакда касбий таълим тизимининг драйверига айланиши кутилмоқда.

Техникумлар ривожланишининг энг

Техникумлар ривожланишининг энг муҳим жиҳати шундаки, улар меҳнат бозори билан бевосита боғланган таълим муассасаси ҳисобланади. Илгари таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш жараёни асосан назарий ёндашувларга қурилган бўлса, бугунги кунда асосий эътибор амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилмоқда.

иқтисодий тараққиётга эришган давлатларнинг аксариятида касбий таълим тизими миллий кадрлар сиёсати ва меҳнат бозорини ривожлантиришнинг асосий устунларидан бири ҳисобланади.

Бугун Германия, Швейцария, Австрия, Финляндия, Сингапур ва Жанубий Корея каби мамлакатларда касбий таълим муассасалари иқтисодиётнинг реал эҳтиёжларига мос кадрлар тайёрлашнинг энг самарали механизми сифатида фаолият юритмоқда. Мазкур давлатларда техникумлар ва бошқа касбий таълим муассасалари нафақат таълим бериш, балки sanoat, хизмат кўрсатиш ва юқори технологияли тармоқларни кадрлар билан таъминлаш вазифасини ҳам бажаради. Хусусан, Германияда ҳар йили 1,2 миллиондан ортиқ ёшлар дуал таълим тизими орқали касб эгаллайди. Мактаб битирувчиларининг қарийб ярми айнан касбий таълим йўналишини танлайди. Таълим муассасаси ва иш берувчи ўртасидаги узвий ҳамкорлик натижасида ўқувчилар назарий билим билан бир қаторда ишлаб чиқариш муҳитида амалий тажриба ҳам орттиради. Шу сабабли мамлакатда дуал таълим дастурларини тамомлаган ёшларнинг катта қисми ўқишни якунлаганидан сўнг дарҳол иш билан таъминланади. Германия саноати рақобатбардошлигининг муҳим омилларидан бири сифатида айнан мазкур тизим кўрсатилади.

Швейцарияда касбий таълим янада юқори нуфузга эга. Мамлакатда мактаб битирувчиларининг қарийб 70 фоизи касбий таълим дастурларини танлайди. Корхоналарнинг ўзи касбий таълим жараёнида фаол иштирок этади ва келажакдаги фойдаларини тайёрлаш учун катта ҳажмда инвестиция қиритади.

ИНСОН ҚАДРИ



► (Давоми. Боши 1-бетда)

МЕХР ВА ЭЪТИБОРНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Шуларни инобатга олиб, Халқ демократик партияси Сайловалар дастури ҳамда 2026 йилга мўлжалланган иш режаси доирасида “Қувонч ва меҳр улашайлик” акцияси ташкил этилганидан хабарингиз бор. Акция эҳтиёжманд инсонлар ҳолидан хабар олиш, уларга ёрдам қўлини чўзиш, ҳаётига қувонч олиб кириш ғояси асосида ўтказилмоқда. Бу эса пировардида жамиятда ҳамжиҳатлик ва бирдамлик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Партия фаолларининг айтишича, акция доирасида кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва ёлғиз кексалар хонадонларига ташриф буюриб, кундалик эҳтиёжлари учун зарур бўлган озиқ-овқат ва бошқа ёрдам воситалари топширилмоқда. Энг муҳими, улар билан самимий суҳбат қурилиб, дарду ташвишлари тингланмоқда, муаммоларини ҳал этиш бўйича амалий кўмак кўрсатилмоқда.

– Қўпинча ёлғиз инсонлар учун ҳол-аҳвол сўраб келган меҳмон, самимий суҳбат ва илиқ муносабат энг катта тўхфа ҳисобланади, – дейди ЎзХДП Марказий Кенгаши консультанти Мухлиса Ганиева. – Ҳар бир хонадон ортида ўзига хос ҳаёт, тақдир ва кечинмалар бор. Кимдир фарзанд ташвишлари билан яшайди, кимдир саломатлиги сабаб қийналади, яна кимдир ёлғизликдан азият чекади. Уларга кўмак бериш, дардини тинглаш ва ёнида эканимизни ҳис қилдириш инсонийликнинг энг юксак кўринишидир.

– Меҳр ва эътибор инсон қалбига куч, ҳаётга ишонч бағишлайди, – дейди ХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси ўринбосари Меҳринисо Бобоева. – Ташрифлар давомида эҳтиёжманд

оилалар ва кексаларнинг яшаш шароити ўрганилиб, уларнинг муаммоларини ҳал этиш бўйича тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалий чоралар кўрилади. Бу жараёнда асосий эътибор ҳар бир инсоннинг кадрини улуғлаш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва муносиб турмуш кечириши учун зарур шароит яратишга қаратилади.

Акция доирасидаги тадбирларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва унинг ҳудудий тузилмалари, соғлиқни сақлаш тизими вакиллари, “Мурувват” ва “Саховат” интернат уйлари ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар ходимлари иштирок этаётир.

ҚАМРОВ ВА НАТИЖАЛАР

“Қувонч ва меҳр улашайлик” акциясида партиянинг ҳудудий кенгашлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, “Ёшлар қаноти” ва “Фаол аёллар қаноти” вакиллари фаоллик кўрсатаётганини алоҳида эътироф этмоқ жоиз.

Маълумотларга кўра, акция доирасида ҳозирга қадар 285 маротаба хайрия тадбирлари ўтказилиб, 72 маротаба ҳашар ишлари ташкил этилди. Шунингдек, 960 та эҳтиёжманд оила ва ёлғиз кексалар хонадонлари манзилли равишда ўрганилди. Ўрганишлар давомида аниқланган

муаммоларни ҳал этиш бўйича тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда зарур чоралар кўрилди.

Ушбу жараёнларда 28 минг 714 нафар фуқаро қамраб олиниб, улар билан бевосита мулоқотлар ташкил этилди. Бу мулоқотлар орқали одамларни қийнаётган масалалар жойида ҳал қилиниб, тақлиф ва мурожаатларга эътибор қаратилди.

“Қувонч ва меҳр улашайлик” акцияси оддий бир тадбир эмас, балки инсонларга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг амалий ифодасидир. Чунки баъзан инсон учун берилган ёрдамдан ҳам кўра, унинг

эшигини қоқиб бориш, ҳолидан хабар олиш ва “Сиз ёлғиз эмассиз” деган ишончни бериш муҳим.

МУҲСИДДИН НИЗОМИТДИНОВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи:

– Акция доирасидаги ташрифлар жараёнида маълум бўлдики, айрим эҳтиёжманд оилаларда барқарор даромад манбаининг мавжуд эмаслиги уларнинг турмуш шароитига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Шу билан бирга, ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат фаолияти билан шуғулланиши, муносиб иш ўринларига эга бўлиши масалалари ҳам долзарб экани аниқланди.

Ёлғиз кексалар билан ўтказилган суҳбатлар давомида уларнинг тиббий хизматлардан фойдаланишга, ижтимоий кўмак ва доимий эътиборга бўлган эҳтиёжи юқори экани кўринди.

Ўрганишлар давомида аҳолининг айрим қатламлари мавжуд ижтимоий нафақалар, имтиёзлар ва хизматлар ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслиги ҳам маълум бўлди. Шунингдек, эҳтиёжманд оилалар фарзандларини таълим олишга, касб-ҳунар ўрганишга ва келажакда мустақил ҳаётга тайёрлаш билан боғлиқ масалаларга ҳам алоҳида ёндашиш зарурлиги сезилди.

Маҳаллаларда ижтимоий кўмакка муҳтож инсонларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг эҳтиёжларига қараб манзилли

ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири экани белгилаб олинди.

Аниқланган ҳар бир муаммо – бу алоҳида инсон тақдирини, алоҳида оила ташвиши эканини инобатга олган ҳолда, уларни ҳал этиш бўйича тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалий чоралар кўриладиган бўлди.

Шунингдек, эҳтиёжманд оилаларга ёрдам фақат бир марталик моддий кўмак билан чекланиб қолмаслиги керак. Балки уларнинг доимий даромад манбаини яратиш, бандлигини таъминлаш ва мустақил ҳаёт кечирishiга кўмаклашадиган лойиҳаларни кенгайтириш лозим.

Шу мақсадда эҳтиёжманд оилалар фарзандларини таълим олиш, касб-ҳунар ўрганиш ва спорт машғулотларига жалб этиш бўйича ҳудудий дастурларни амалга ошириш чораларини кўриш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Акция жараёнида аниқланган тизимли муаммоларни ўрганиб, уларни қонунчилик ва давлат дастурларида акс эттириш, бу борада партия фракцияси орқали тегишли ташаббусларни илгари суриш мақсадларимиз ҳам бор.

Асосийси, бу акция орқали биз эътибор, меҳр ва ғамхўрлик қандай катта аҳамиятга эга эканини кўрдик. Чунки инсон қадри унинг дардини эшитиш, қўллаб-қувватлаш ва ёнида бўлишдан бошланади.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

СУРХОНДАРЁ:

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ФАОЛИЯТИ ЎРГАНИЛДИ



Халқ депутатлари Шўрчи туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳи ҳамда партиянинг Шўрчи туман кенгаши томонидан тумандаги 1-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти фаолияти ўрганилди.

Туман Кенгаши депутати Г. Шерматова ҳамда ХДП Шўрчи тумани кенгаши раиси Д. Бекмуродов муассасанинг моддий-техник базаси, тарбияланувчилар учун яратилган шароитлар ҳамда таълим-тарбия жараёни билан яқиндан танишдилар. Ўрганиш давомида аниқланган камчиликлардан келиб чиқиб, таълим сифати ҳамда болалар учун яратилган шароитларни яхшилашга доир тақлиф ва тавсияларини бердилар.

Мактабгача таълим тизимини ривожлантириш, замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш ҳамда тарбиячи-педагогларни қўллаб-қувватлаш масалалари партиямиз эътиборида экани қайд этилди.

ДЕНОВДА ТИББИЙ ХИЗМАТ ҚАЙ АҲВОЛДА?

Халқ депутатлари Денов туман Кенгаши депутати М.Абдураимов ҳамда Ўзбекистон ХДП Денов туман кенгаши раиси Х.Мирзайев туман тиббиёт бирлашмасида бўлиб, муассасанинг шарт-шароитларини, аҳолига сифатли

тиббий хизматни яқинлаштириш мақсадида амалга оширилаётган ишларни ўрганиди.

Ўрганиш давомида бўлимлар фаолияти ҳамда мавжуд муаммолар кўздан кечирилди. Хусусан, жонлантириш (реанимация) бўлимида беморлар сони ортиб бораётгани сабабли мавжуд ўринлар етарли эмаслиги аниқланди. Мазкур ҳолат бўлим қувватини кенгайтириш ва кўшимча ўринлар ташкил этиш заруратини юзага келтираётгани қайд этилди.

Шунингдек, тиббий жиҳозлардан фойдаланиш ҳолати ва тиббиёт ходимлари фаолиятидаги айрим камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Ўрганиш якунида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, мавжуд муаммоларга ечим



топиш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш масалалари депутатлик назоратида бўлиши таъкидланди.

БУХОРО:

БОҒЧАЛАРДАГИ МАВЖУД ШАРОИТ ДЕПУТАТНИ ҚОНИҚТИРДИМИ?

Халқ депутатлари Вобкент туман Кенгашидаги партиянинг депутатлик гуруҳи раҳбари Мансурхон Хайруллоев “Гулистон” маҳалласида жойлашган 20-ва 21-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотларида ўрганиш олиб борди.

Ўрганиш жараёнида муассаса бино ва иншоотларининг техник ҳолати, ёнғин ва хавфсизлик талабларига мувофиқлиги, болаларнинг сифатли таълим олиши ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари билан

таъминланиши, амалий кўникмаларини шакллантириш учун яратилган имкониятлар кўздан кечирилди.

Хусусан, гуруҳ хоналари, ошхона, тиббиёт хонаси, санитария-гигиена ҳолати ҳамда болаларнинг овқатланиш сифати ўрганилиб, муассасада яратилган қулайликларга диққат қаратилди.

Аниқланган айрим камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш масаласи муассаса масъуллари билан муҳокама қилинди. Жумладан, 21-сонли ДМТТ биносини кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.



БАРҚАРОР ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ - ДОЛЗАРБ

Халқ депутатлари Бухоро туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари – Кенгаш раиси Р. Набиев, котибият ходимлари иштирокида “Боғикалон” ва “Қўшходим” маҳаллалари аҳолисини зулқисиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар кўздан кечирилди. Хусусан, ҳудуддаги трансформаторни таъмирлаш ва модернизация қилиш жараёнлари ўрганилди.

Масъуллар билан мулоқотда ишларни сифатли ва белгиланган муддатларда яқунлаш, аҳоли хонадонларини барқарор электр энергияси билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Аҳоли, ижтимоий объектлар ҳамда тадбиркорлик субъектларини электр энергияси билан таъминлашда барқарорликка эришиш, бу борада оддий одамларнинг эътирозларига сабаб бўлаётган муаммоларни кечиктирмай, ўз вақтида

ҳал этиш соҳа масъулларининг бирламчи вазифаси эканига урғу берилди.



ХОРАЗМ:

ЙЎЛ ЯХШИЛАНСА, ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНДИ

Халқ депутатлари Хонқа туман Кенгаши депутати Б.Яқубов томонидан юборилган депутатлик сўрови асосида Мангулик маҳалласидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан амалий ишлар бошланди.

Жумладан, маҳалладаги Пахлавон Маҳмуд ва Нурли-Юлдуз кўчалари қатнов қисми текисланиб, шағал қопламаси ётқизилмоқда. Шунингдек, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва пиёдалар учун қулайлик яратиш мақсадида пиёдалар йўлакчаси қайта чизилди.

Амалга оширилаётган ишлар аҳоли мурожаатларида кўтарилган масалаларни ҳал этиш, ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш ҳамда фуқаролар учун хавфсиз ва қулай муҳит яратишга хизмат қилмоқда.





ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!

ҚАЛБИМИЗДА ИФТИХОР ҲИССИ ЮКСАЛМОҚДА



► (Давоми. Боши 1-бетда)



Татлимурат АТАМУРАТОВ,
Республика Маънавият
ва маърифат маркази
Қорақалпоғистон бўлими
раҳбари.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори қўлуғу санага муносиб тадорик кўришда дастурамал бўлмоқда. «Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!» деган ғоя бугун нафақат

ва "Ибрат фарзандлари" каби лойиҳалар одамларимиз қалбида шукроналик туйғусини ўйғотмоқда. Илгари фақат Орол муаммоси билан тилга олинган Мўйноқ бугун маданият ва маърифат масканига айланди.

Муҳими, худудимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳар бир фуқаронинг ҳаётида акс этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг махсус Фармони билан Қорақалпоғистонда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг мутлақо янги тизими яратилди. Нуқус шаҳри ва туманларда қиймати 100 минг доллардан 500 минг долларгача бўлган лойиҳаларни амалга оширишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди. 2025 йилнинг ўзида 88 та тадбиркорлик объекти учун 419 гектар ер майдони аукционсиз, бепул ажратиб берилди. Тадбиркорларга 14 фоизлик ставкада, 2 йиллик имтиёзли давр билан кредитлар ажратилиши йўлга қўйилди ва ҳозиргача 400 млрд. сўм маблағ йўналтирилди. Қўнғирот ва Чимбой туманларини комплекс ривожлантириш учун 200 млрд. сўм маблағ берилди. 32 та маҳаллага "Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла" мақоми берилиб, уларнинг инфратузилмасини яхшилаш учун

инвесторларга махсус имтиёзлар пакети берилгани, ускуналарни олиб киришда боғжона тўловларидан озод этилгани худуднинг технологик салоҳиятини юксалтиради. Шунингдек, Осиё тараққиёт банки иштирокидаги "Тўябўғиз" ва "Қўнғирот-Мўйноқ" ичимлик суви лойиҳалари халқимизнинг яшаш шароитини яхшилашга хизмат қилади. "Миздакхон" мажмуаси ва "Шайх Жалил бобо" зиёратгоҳларини қайта



тиклаш учун ажратилган 25 млрд. сўм маблағ эса тарихий хотирамизни эъзозлашнинг амалий ифодасидир.

Бундай кенг қўламли ислохотлар фақатгина иқтисодий кўрсаткичларни ошириш эмас, балки халқимизнинг маънавий оламини бойитишга ҳам хизмат қилмоқда. Келажакда ҳар бир маҳаллада рақамлаштирилган "Маънавият кутубхоналари" ташкил этилиши ҳамда Қорақалпоғистоннинг ўзига хос фольклор санъати дунёга кенг тарғиб қилиниши кўзда тутилган.

Айни дамда Маънавият ва маърифат маркази Қорақалпоғистон бўлими томонидан виртуал оламдаги таҳдидларга қарши миллий контент яратилмоқда. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш орқали уларда ватанпарварлик ҳиссини, ота-она ва Ватан олдидаги масъулиятини кучайтириш ишлари тизимли равишда олиб борилмоқда.

Бундай кенг қўламли янгиланишлар ва яратилаётган имкониятлар халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини

янада мустаҳкамламоқда.

Буларнинг барчаси — Мустақилликнинг ширин меваларидир. Мен Қорақалпоғистон Республикасида сўнгги йилларда содир бўлаётган иқтисодий, маънавий ўзгаришларнинг айримларигагина тўхталдим, холос. Аслида улар жуда

““

ОРОЛ ЧЎЛЛАРИДА
БОҒЛАР БАРПО
ЭТИЛАЁТГАНИ, ШАҲАР
ВА ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ,
ОВУЛЛАРИМИЗ
ҚИЁФАСИ БУТУНЛАЙ
ЯНГИЛАНАЁТГАНИ,
ШУНГА ҲАМОҲАНГ
ТАРЗДА ОДАМЛАРНИНГ
ТЎРМУШ ТАРЗИ
ЎЗГАРИБ, ҚАЛБИДА
КЕЛАЖАККА ИШОНЧ
ЮКСАЛАЁТГАНИ,
БАРЧА-БАРЧАСИ ЯНГИ
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ
МИСЛСИЗ
ИСЛОХОТЛАР
ШАРОФАТИДИР.

салмоқли. Улардан руҳланиб,
юрт тақдирига дахлдорлик
туйғуси билан яшаш, таълим



ва тарбияда мустаҳкам бўлиш
— тараққиётимизнинг асосий
гарови.

Хулоса ўрнида таъкидлашни
истардимки, Мустақиллик
— бу бизнинг ғуруримиз,
шаънимиз ва эртанги
кунимизга бўлган мустаҳкам
ишончимиздир. Орол чўлларида

боғлар барпо этилаётгани,
шаҳар ва қишлоқларимиз,
овуларимиз қиёфаси бутунлай
янгиланаётгани, шунга
ҳамоҳанг тарзда одамларнинг
тўрмуш тарзи ўзгариб,
қалбида келажакка ишонч
юксалаётгани, барча-барчаси
Янги Ўзбекистондаги мислсиз
ислохотлар шарофатидир.



пойтахт, балки юртимизнинг энг чекка худудларигача кириб бормоқда. Алоҳида таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган ўзгаришлар эътирофга лойиқ. Бугун Қорақалпоғистон улкан бунёдкорликлар майдонига, инновациялар ва саноат марказига айланиб улгурди.

Масалан, бир пайтлар экологик фожиа маркази бўлган Орол денгизининг қуриган тубида яшил ўрмонзорлар барпо этилаётгани, туманларда замонавий IT-парклар, янги мактаб ва тиббиёт масканларининг қурилаётгани — янги давр нафасидир. Қорақалпоғистон Республикаси Маънавият ва маърифат маркази томонидан "маҳаллабай" тизимида амалга оширилаётган ишлар, "Жаҳолатга қарши маърифат"

160 млрд. сўм ажратилиши кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 22 октябрдаги сунъий интеллект технологияларини ривожлантиришга оид фармони Қорақалпоғистон учун улкан истиқболларни очди. 100 миллион доллардан ортиқ инвестиция киритувчи



МУЛОҲАЗА

Йўлларда ҳаракатланиш маданияти: БИЗ ҚАЧОН БУНГА АМАЛ ҚИЛАМИЗ?

Йўллар шунчаки бир манзилдан иккинчисига элтувчи восита эмас. Йўл мамлакатнинг инфратузилмавий ривожланишини кўрсатиб турувчи қатнов қисми бўлиши билан бир қаторда жамиятдаги маданиятни, одамларнинг бир-бирига ўзаро ҳурматини акс эттирадиган кўзгудир. Афсуски, бу кўзгуда баъзида хира доғлар ҳам кўриниб қоляпти. Нафақат ижтимоий тармоқларда, баъзан кўча-кўйда кетаётиб, ўзимиз ҳам йўл талашиш ёки бошқа арзимас сабаблар билан тигиз қатнов қисмида тортишаётган ҳайдовчиларга кўзимиз тушади.

Тўсқинлик қилаётгани маълум. Статистикада келтирилишича, "А" йўлакларига кириб олган енгил машина ҳайдовчиларига нисбатан 333 мингдан ортиқ жарималар расмийлаштирилган.

Малика АБДУЛЛАЕВА, "Тошхатартрансхизмат" АЖ бошқарув раисининг маънавият ва давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчиси:

- Сўнгги йил якунларига кўра, Тошкентда автобус йўловчи ташувидан олинган йиллик даромад 16 фоизга ошиб, 644 миллиард сўмни ташкил этди. Бу маблағлар тизимни янада ривожлантириш ва ҳайдовчиларнинг ойлик иш ҳақларини оширишга йўналтирилмоқда.

Афсуски, баъзи йўловчилар томонидан транспорт хизматидан фойдаланиш маданиятига етарлича амал қилинмаяпти. Ҳайдовчилар эртадан кечгача минглаб йўловчиларни ўз манзилига етказишда беминнат хизмат қилмоқда. Уларнинг меҳнатини осон деб бўлмайди. Минг афсуски, йўловчилар орасида бекатларда ўз вақтида тушмаслик, бир-бирига ҳурмат билан муносабатда бўлиш ўрнига ҳайдовчилар билан асабий ҳолда мулоқот қилиш ҳолатлари учрайди. Ҳозирги пайтда автобусларда анча қулайликлар яратилган бўлса-да, баъзи йўловчилар чиқиндиларни (қоғоз, пакет, сув идишлари) ташлаб кетишади, телефонда баланд овозда гаплашишади ёки тўхташ мумкин бўлмаган жойларда тўхташни сўрашади. Тўхтамас, росмана жанжаллашишга ўтишади.

Янги автобуслар ва электрон тўлов тизими жуда қулай. Лекин йўловчиларнинг йўл ҳақини тўламай туриб кетишлари ғоятда таассуфли.

Йўлларда ҳаракатланиш маданияти фақат ҳайдовчиларнинг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг масъулиятдир. Пиёда ҳам, йўловчи ҳам, ҳайдовчи ҳам белгиланган қоидаларга амал қилса, кўплаб ноҳуш ҳолатларнинг олди олинган бўлар эди. Йўлдаги бир лаҳзалик бепарволик ҳам инсон тақдирига таъсир кўрсатишини унутмаслик лозим.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ БУ БОРАДА ҚАНДАЙ ФИКРДА?

Жасурбек ТОШЕВ, Тошкент шаҳридаги 12 - йўналиш электробуси ҳайдовчиси:

- Ҳозир йўллар ҳам, транспорт воситалари ҳам аввалгидан анча яхшиланди. Биз, ҳайдовчилар ҳар доим хушмуомала, сабр-тоқатли ва масъулиятли бўлишимизни ҳис қилиб қатновга чиқамиз. Бироқ жамоат транспорт маданиятига келганда, ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларимиз ҳали ҳам талайгина.

Йўловчиларнинг автобусга чиқиш ва туриш маданияти ҳамisha ҳам кўнглидагидек эмас. Ҳайдовчи кунига 14-15 соат рулда бўлади. Қатнов тугагач, автосаройга бориб транспорт воситасини топширади ва унинг тозалиги учун ҳам жавоб беради. Афсуски, айрим йўловчилар қолдириб кетган чиқиндиларни тозалаш ҳайдовчилар учун яна қўшимча машаққат.

Баъзи ҳолатларда йўловчилар ҳайдовчиларга буйруқ оҳангида мулоқот қилади. Ваҳоланки, жамоат транспортдан 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган аҳоли фойдаланади ва ўзаро ҳурмат ҳамма учун бирдек муҳим.

Менимча, жамоат транспортдан фойдаланиш маданиятини оиладан бошлаб ўргатиш керак. Йўловчи маданияти ҳам тарбиянинг бир қисми ҳисобланади.

Яна бир гап. Айрим йўловчилар жамоат транспорт учун белгиланган 1700 сўмлик тўловни амалга оширмасдан туриб

кетадилар. Назоратчилар эса ҳар доим ҳам барча йўналишда текширув ўтказиш имконига эга эмас. Баъзи енгил автомобиллар "А" йўлакларига кириб олиши, бекатларда тўхташ ҳолатлари автобус ҳаракатига тўсқинлик қилиши бизни доим мушкул вазиятга солади.

Нигора ЗАЙЛОБИДИНОВА, Тошкент давлат транспорт университети талабаси:

- Автобуслар янгилангани яхши, шaroитлар ҳам анча қулай. Лекин эрталаб ва кечқурун автобуслар тўлиб-тошиб келади, жуда тикилиб юрамиз. Баъзида узоқ кутиб қоламиз, электрон таблолар ҳам ҳар доим аниқ ишламайди. Йўловчилар орасида навбатга риоя қилмаслик ҳолатлари учрайди.

Фикримча, транспорт тизими ривожланаётган бўлса-да, йўловчилар маданияти ва назоратни кучайтириш ҳамон долзарблигича қолмоқда.



Нодира ДЎСТХЎЖАЕВА, Филология фанлари номзоди:

-Биз, йўловчилар жамоат транспортдан фойдаланишимиз учун яратилаётган қулайликларни эътироф этмаслик адолатдан бўлмас. Чиндан ҳам кейинги пайтда бу соҳада ўзгаришлар катта бўлди. Ҳаракатланиш жадвалига риоя қилмаслик, иссиқ ва дим, бетартиб салон, "Йўл ҳақини тўланг!" деган ноҳуш овозлар, йўл ҳақини ҳайдовчига (!) тўлаш, ким ўзарлар, "чапга" - тўй ва маъракаларга кетишлар йўқ бўлди, назаримда. Бироқ янги қоидалар киритилганидан кейин айрим ҳайдовчилар аламзададек кўринади. Бекат яқинида улар тормозни шунчалар кескин босадиларки, автобусга чиққанингга, йўловчи бўлганингга афсуслар қиласан. Электрон тўловга ўтиладиган кейин автобус саройларида кунига неча миллионлаб тушум кўпайгани ҳақида ўқиб турибмиз! Бу яхши ўзгариш. Демак, баъзи ҳайдовчиларнинг маданияти ҳам янгиликларга мослашиши муҳим.

Йўлқирани тўлаш масаласи ҳар кимнинг виждонига ҳавола. Кўраимиз, кузатамиз, кўп ҳолларда ёшлар ҳақ тўламай юришибди. Рост, бугун жамоат транспортда шаҳарнинг у чеккасидан бу чеккасига комфорт ҳолатда борапмиз. Бунинг қадрига етиш ўрнига арзимаган йўл ҳақини тўламасак, қанақа инсонимиз?!

ҲАЙДОВЧИ ЎЗГАЛАР ҲАЁТИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН МАСЪУЛ

Ҳайдовчилик маданияти фақат йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиш эмас, балки йўлдаги барча қатнашчиларнинг ҳуқуқ

ва манфаатларини ҳурмат қилиш демакдир. Бу бурилиш чирокларини ўз вақтида ёқиш, тирбандликда сабр билан навбат кутиш, пиёдаларга йўл бериш ва ортиқча овозли сигналлардан фойдаланмаслик каби оддий, аммо муҳим ҳаракатларда намоён бўлади.

Қоидабузарликлар, жумладан, тезликни ошириш, светофорга амал қилмаслик, ҳайдаш вақтида телефондан фойдаланиш ва пиёдаларга нисбатан эътиборсизлик кўплаб йўл-транспорт ҳодисаларига сабаб бўлмоқда. Бу эса нафақат инсонлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдиради, балки иқтисодий йўқотишлар ва ижтимоий муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Муаммони ҳал этиш учун ҳайдовчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, йўл этикаси ва ҳаракат психологиясига оид билимларини кучайтириш, жамоатчилик назоратини ошириш ҳамда йўл инфратузилмасини яхшилаш зарур. Энг муҳими, ҳар



бир ҳайдовчи йўлдаги маданият ўзидан бошланишини англаб етиши лозим.

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА БИЗГА НИМАНИ ЎРГАТАДИ?

Жанубий Корея ёки Германия каби ривожланган давлатлар тажрибасига қарасак, уларда жамоат транспорт соатдек аниқ ишлайди. Чунки қоидага амал қилмаганлик учун жазо муқаррар. Автобус йўлагига қадам босган ҳар қандай енгил машина сунъий интеллект камералари орқали ўша заҳоти катта миқдорда жаримага тортилади.

Масалан, кўплаб Европа давлатларида пиёдалар ўтувчи йўлакчага яқинлашган ҳайдовчи дарҳол тезликни пасайтиради ва пиёдаларга йўл беради. Йўлларда ортиқча сигнал бериш, бошқаларга ҳалақат қилиш ёки тажовузкор ҳаракатлар маданиятсизлик ҳисобланади.

Японияда эса махсус кийим кийган ноғиронлар, жисмоний имконияти чекланган одамлар йўл қоидасини бузган ҳайдовчиларни кузатиб юради. Нотўғри қилинган ҳаракат учун жарима қоғозини ёзиб ёпиштиради. Бунда биринчидан ноғиронлар, жисмоний имконияти чекланганлар иш билан таъминланади. Йўл қоидасини бузиш ҳолларининг олди олинади.

Энди бу манзараларни ўзимизга қиёс қилайлик. Пиёда сифатида ҳам, йўловчи ёки ҳайдовчи сифатида ҳам йўлларда ҳаракатланиш маданиятини ўрганишимизга, ўзлаштиришимизга ва ҳамisha қоидаларга амал қилишимизга жамиятимизда қанчалар эҳтиёж борлигини тан олмасликнинг иложи йўқ.

Ҳилола ИБРОҲИМОВА, журналист.

Йўл азоби – гўр азоби, дейишган бир пайтлар. Ҳозир бу нақлни тилга олишга зарурат деярли йўқ. Биргина Тошкент шаҳрини олайлик. Янги автобус йўналишлари ташкил этиляпти, мавжуд йўналишлар оптималлаштирилиб, пойтахт автопарки замонавий ва экологик тоза автобуслар билан бойитилмоқда. Бекатлар янгилаб,

бўлса, шаҳар аҳолисининг турмуш сифати ҳам шунчалик яхшиланади. Жамоат транспорт соҳасини тубдан ислоҳ қилиш бўйича бугунги кунга қадар бир неча норматив ҳужжатлар қабул қилиниб, аҳолини сифатли ва кафолатланган транспорт хизматлари билан таъминлаш механизмлари ва имкониятлари яратилди. 2023 йилдан бошлаб Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоят марказларида мунтазам автобус қатновларида йўловчи ташишни брутто-шартнома асосида ташкил этиш ишлари босқичма- босқич йўлга қўйилмоқда.

Яратилаётган қулайликлар натижасида 2023-2025 йиллар мобайнида 2651 та замонавий автобус (646 та электробус) харид қилиниб, йўналишларга жойлаштирилди. Тошкент шаҳрига 1293 та, ҳудудларга 1358 та янги автобуслар олиб келинган. Жорий йилнинг январь - май ойлари давомида 358 та автобус (65 та электробус) ҳаракат таркиби янгиланган. Президентнинг

"Тошкент шаҳрида транспорт тазими бошқарувини такомиллаштириш ҳамда тирбандликларнинг олдини олишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори доирасида аҳолининг жамоат транспортдан фойдаланиш даражасини 60 фоизга етказиш ва автобуслар тезлигини соатига 24 километрга чиқариш мақсад қилинган. Бунинг учун рақамли тизимни янада кучайтириш лозим.

Жамоат транспортда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида содир этиладиган қоидабузарликлар 2 баробарга қисқарди ва яширин иқтисодиёт бартараф этилмоқда. Иккинчидан, ҳайдовчилар томонидан кўпроқ йўловчи йиғиш мақсадида бекатларда узоқ тўхтаб қолиш (оралиқ интервални бузиш), йўловчи талашиб пойга қилиш ҳолатларининг олди олинмоқда. Бироқ, соҳада ҳали ечимини кутаётган муаммолар йўқ эмас. Инчунун, йўл ҳаракати иштирокчиларининг маданияти ва масъулияти ҳамон долзарб масала бўлиб қолмоқда.

МУАММОЛАР ВА ИНСОН ОМИЛИ

Нафақат пойтахт, балки юртимизнинг барча ҳудудлари янги ва замонавий транспорт воситалари билан тизимли таъминланаётгани кувонарли, аммо улардан фойдаланиш маданиятимиз-чи? Баъзан ҳайдовчилар томонидан ҳаракат қоидаларига риоя этмаслик, йўловчиларнинг эса жамоат транспортда одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши каби ҳолатлар учраб туради. Энг катта камчилик йўллардаги тартиб ва инсон омили билан боғлиқ. Кўчаларда чизилган махсус "А" йўлакларига ҳали ҳам енгил машиналар кириб олаётгани, бекатлар атрофида тартибсиз тўхтаб турган таксилар автобусларнинг ҳаракатига катта



электрон тўлов тизимлари жорий этилди. Узоқ йиллар давомида эскирган ва оқсоқланган бу соҳага янги нафас кирди. Мақсад битта — йўловчилар ва ҳайдовчилар учун муносиб, хавфсиз ва замонавий шароитлар яратиш. Бу ўзгаришлар аҳолининг ҳаракатланишини енгиллаштириш, тирбандликларни камайитириш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Маълумотларга кўра, пойтахтда кунлик хизмат кўрсатадиган автобуслар сони 1 минг 920 тадан ошган. Бундан ташқари, жамоат транспорт ҳайдовчиларининг меҳнати ҳам муносиб қадрлана бошлади. Ойлик иш ҳақлари сезиларли даражада оширилди, уларнинг иш ва дам олиш вақтлари қатъий назоратга олинди. Автобусларнинг тез ва тирбандликларсиз ҳаракатланиши учун ҳозирга қадар 35 та марказий кўчада алоҳида махсус "А" йўлаклари ташкил этилган. Шаҳарнинг янги, чекка ҳудудларини марказ билан боғловчи ўнлаб янги йўналишлар ишга тушириляпти. Тизимни рақамлаштириш мақсадида 545 та "ақлли" светофор ўрнатиш ва бекатларни модернизация қилиш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Шокиржон АҲМЕДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Давлатимиз томонидан жамоат транспортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки транспорт тизими қанчалик замонавий ва қулай

ҚОНУН ВА ИЖРО

ПОЙТАХТ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА "ПРОПИСКА" ТИЗИМИ БУТУНЛАЙ БЕКОР ҚИЛИНГАНМИ?

Сўнги йилларда пойтахт ва Тошкент вилоятида рўйхатдан ўтиш бўйича талаблар юмшатишга аҳоли орасида турли нотўғри тушунчалар шаклланишига сабаб бўлмоқда. Бундай қарашларга барҳам бериш ва қонунчилигимизда айна соҳада қандай ўзгаришлар мавжудлигини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Миграция ва персоналлаштириш департаменти бош инспектори, подполковник Бобир МИРУСМАНОВга юзландик.



Хабарингиз бор, 2025 йил 10 июлда "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет эл фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди, - дейди Б. Мирусманов. - Мазкур қонунга мувофиқ, мамлакатимизда рўйхатдан ўтказишнинг ягона тизими жорий этилди.

Мамлакатимиз, шунингдек, чет эл фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган ушбу қонун ижроси доирасида 2026 йил 5 майда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори ҳам тасдиқланди.

Янада аниқроқ айтиладиган бўлса, мазкур қарор билан "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини яшаш ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлигини бекор қилиш тартиби тўғрисида"ги низом амалиётга киритилди. Ушбу ҳужжат фуқароларнинг мамлакат бўйлаб қўчиши ва яшаш, турган жойи бўйича рўйхатга олиниш жараёнларини рақамлаштириш ҳамда соддалаштиришга хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, бир фикрни айтиб ўтмоқчи эдим. Мамлакатимизда яшаш ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказишга оид ягона амалиёт жорий этилгани билан "прописка" тизими бутунлай бекор қилинди, деган хулосага бормаслик керак. Яъни ҳар бир фуқаро ўз яшаш жойини вақтинча ёки доимий ўзгартирган тақдирда, янги манзилга келган кундан эътиборан ўн иш кунидан кечиктирмай рўйхатдан ўтиши шарт.

Бунинг учун юртдошларимиз ҳудудий миграция ва персоналлаштириш бўлиmlарига ёки давлат хизматлари марказларига мурожаат қилишлари мумкин. Шунингдек, бу хизматдан жойлардаги миграция ва персоналлаштириш бўлиmlарига мурожаат қилмаган ҳолда, Ягона

интерактив давлат хизматлари портали орқали онлайн тарзда рўйхатдан ўтиш имконияти мавжуд. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинчалик рўйхатдан ўтиш учун ички ишлар органларининг таянч пунктлари ва маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларига мурожаат қилишлари мумкин.

Ушбу қонунчилик талабларига риоя этилмаган тақдирда, маъмурий жавобгарлик белгиланган. Жумладан, МЖТКнинг 223-моддасига мувофиқ рўйхатдан ўтмасдан яшаган фуқаролар базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 (уч) баравари миқдорига, агар ушбу ҳуқуқбузарлик бир йил давомида такрор содир этилса 5 (беш) баравари миқдорига жазима қўйилади.

Фуқарони рўйхатдан ўтмасдан яшашига йўл қўйган масъул шахсларга 5 (беш) баравари миқдорига, бир йил ичида такрор содир этилса, 10 (ўн) баравари миқдорига жазима солинади.

Умуман олганда, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида прописка тизимида узоқ йиллар давомида турли чекловлар мавжуд бўлгани сабабли айрим юртдошларимизда ушбу тизимга нисбатан салбий муносабат шаклланиши мумкин. Бироқ, рўйхатга олиш ёки ҳисобга олиш тизими дунёнинг деярли барча давлатларида мавжуд бўлиб, у аҳоли сонининг аниқ ҳисобини юритиш, уларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланишини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Бу эса ўз навбатида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тўғри режалаштириш, янги мактаблар, боғчалар, шифохоналар қуриш, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда ижтимоий хизматларни самарали ташкил этиш учун ҳам керак.

Мазкур тизим фақат назорат воситаси эмас, балки ҳудудларни барқарор ривожлантиришга ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган муҳим бошқарув механизми ҳисобланади.

Шу сабабли барча юртдошларимиз

вақтинча ёки доимий яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўз вақтида ўтишлари ва ушбу тартибга тўлиқ амал қилишлари мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, мазкур норматив ҳуқуқий ҳужжатда, туғилган болага ФХДЭ томонидан далолатнома ёзуви расмийлаштирилиши чоғида отаси ёки онасининг яшаш жойи бўйича, ўн саккиз ёшга тўлмаган бола ота-онаси ёки улардан бири ёхуд васийси (ҳомийси) рўйхатдан ўтказилган манзилда рўйхатга қўйилиши учун турар жой мулкдорининг розилиги талаб этилмаслиги алоҳида қайд қилинган.

Эндиликда талаба талабалар турар жойида яшаш бўйича мурожаат қилса, таълим муассасаси ва ариза берувчи ўртасида тузилган шартнома расмийлаштирилиши жараёнида Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали композит тарзда талаба ўша ернинг ўзида бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга вақтинча рўйхатдан ўтказилади. Бу эса талабаларнинг ётоқхонада вақтинча рўйхатдан ўтиш учун тегишли ҳужжатларни йиғиш, ички ишлар органининг ҳудудий миграция ва персоналлаштириш бўлиmlмасига мурожаат қилиш, у ерда навбатда туриш каби турли овозгарчиликларига барҳам беради.

Тизим рақамлаштириш ортидан инсон омили қисқариб бормоқда, юртдошларимизнинг бу йўналишдаги мурожаатлари босқичма-босқич электрон шаклга ўтмоқда.

Ватандошларимизга яратилган яна бир қулайлик шундан иборатки, турар жойларнинг ижара ёки текин фойдаланиш шартномаларини солиқ органлари томонидан ҳисобга қўйишда ижарага олувчиларнинг хоҳишига кўра улар ижара шартномасида кўрсатилган, аммо бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилади.

Бунда турар жойини ижарага ёки текинга фойдаланишга бериш шартномаси турар жой мулкдори томонидан тасдиқланганидан сўнг ижарага олувчи ҳақидаги маълумотлар "Электрон ҳуқуқмат" тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали "E-xabar berish" тизимида реал вақт режимида рўйхатдан ўтказилади.

Бир сўз билан айтганда, тизимдаги бу ўзгаришлар, юртдошларимизга яратилаётган қулайликлар амалда инсон ҳуқуқлари устуворлигини кафолатламоқда.

Ўзбекистон овози" мухбири Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ ёзиб олди.

СПОРТ

Футбол:

АБДУҚОДИР ҲУСАНОВ ЭНГ ҚИММАТ ҲИМОЯЧИ ҲАМДА ЭНГ ТЕЗКОР ҲИМОЯЧИЛАР ҚАТОРИДА



Абдуқодир Ҳусанов жаҳон чемпионати иштирокчилари орасидаги энг қиммат ҳимоячилардан бири сифатида эътироф этилди. Футбол трансферлари таҳлилига ихтисослашган "TransferRoom" платформаси XXIII жаҳон чемпионатида иштирок этаётган марказий ҳимоячиларнинг трансфер қиймати бўйича рейтингини эълон қилди. Унда Ўзбекистон миллий терма жамоаси ва "Манчестер Сити" клуби ҳимоячиси Абдуқодир Ҳусанов ҳам юқори ўринлардан жой олган.

Платформа маълумотларига кўра, 22 ёшли футболчимизнинг айна пайтдаги бозор қиймати 62,2 миллион евро деб баҳоланган. Бу кўрсаткич Ҳусановга мундIAL иштирокчилари орасидаги энг қиммат марказий ҳимоячилар рўйхатида бешинчи поғонани эгаллаш имконини берди.

Рейтингнинг биринчи ўрни Испания терма жамоаси ҳамда "Барселона" клуби сафида тўп сураётган Пау Кубарсига насиб этган. У айнаи дамда 118 миллион еврога баҳоланмоқда. Иккинчи поғонада Франция терма жамоаси ва Лондоннинг "Арсенал" клуби вакили Вильям Салиба қайд этилган бўлса, учинчи ўринни Англия терма жамоаси ҳимоячиси Марк Гехи, тўртинчи ўринни Эквадор терма жамоаси аъзоси Виллиан Пачо банд қилган.

Яна бир эътиборли жиҳати, Ўзбекистон миллий терма жамоаси ва "Манчестер Сити" ҳимоячиси Абдуқодир Ҳусанов 2026 йилги жаҳон чемпионати бошланғич турининг энг тезкор ўйинчилари қаторига кирди, деб хабар беради BBC Sport FIFA трекингининг расмий маълумотларига таянган ҳолда.

Бокс:

ВАКИЛЛАРИМИЗ ЖАҲОН КУБОГИДА ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА



15–21 июнь кунлари Хитойнинг Гуйян шаҳрида бокс бўйича жаҳон кубогининг 2-босқичи ўз якунига етди. Нуфузли мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси жами 12 та медални қўлга киритди. Айниқса, эркаклар терма жамоаси яна бир бор ўз устунлигини намойён қилди. Вакилларимиз 3 та олтин, 1 та кумуш ва 2 та бронза медали билан эркаклар жамоалари ўртасида биринчи ўринни эгаллади. Бу кўрсаткич бўйича Қозоғистон терма жамоаси (3 та олтин, 3 та олтин) иккинчи, Франция эса учинчи поғонадан жой олди.

Умумжамоа ҳисобида Хитой терма жамоаси 5 та олтин, 1 та кумуш ва 3 та бронза медаль билан биринчи ўринни қўлга киритди. Қозоғистон 5 та олтин ва 3 та бронза медаль билан иккинчи поғонадан жой олган бўлса, Ўзбекистон терма жамоаси 4 та олтин, 3 та кумуш ва 4 та бронза медаль билан кучли учлики якунлади.

Мусобақанинг учинчи босқичи, яъни финал 25 ноябрь – 2 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Пара каратэ:

ЎЗБЕКИСТОН ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА 4 ТА МЕДАЛНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ



Индонезиянинг Бали шаҳрида пара каратэ бўйича ўтказилган 5-Осиё чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилган матонатли спортчиларимиз 1 та олтин ва 3 та бронза медални қўлга киритди.

Шиддатли кечган мусобақада терма жамоамиз аъзоларидан Саидикромхон Маҳкамов К-22 тоифасида Япония, Хитой, Жанубий Корея каби қатор давлатларнинг пара каратэчиларини мағлуб этиб, олтин медалга эгаллик қилган бўлса, Муҳаммадсодиқ Ортиқжонов К-10 тоифасида, Муҳаммадҷон Ғоипназаров К-21 тоифасида ҳамда Севинчбону Очилова К-22 йўналишида бронза медали соҳиблари бўлди.

Нуфузли мусобақада зафар кучган пара каратэчиларимиз Тошкент халқаро аэропортида Спорт вазирлиги, Миллий паралимпия қўмитаси, Ўзбекистон каратэ WKF ассоциацияси вакиллари томонидан тантанали кутиб олинди.

Интернет материаллари асосида Тоштемир МУРОД тайёрлади.

БУНЁДҚОРЛИК

Олтинсой – мамлакатимизнинг чекка ҳудудларидан бири. Тоғлар этагида жойлашган манзилда 200 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда. Юзга яқин маҳалла ва қишлоқлар бор. Олис гўшалар тубдан ўзгараётгани таҳсинга сазовор.

– Янги замон шарофати билан қатор завод-фабрикалар, қўшма корхоналар сони йилдан-йилга кўпаймоқда, – дейди Ўзбекистон ХДП Олтинсой туман кенгаши раиси Омонтурди



Авазов. – Кўркам иншоотлар, ажойиб масканлар, замонавий мажмуалар қад ростламоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳолида эътиборда. Чорвачилик, боғдорчилик, томорқачилик, асаларичилик, паррандачилик ва бошқа йўналишлар назардан четда қолаётгани йўқ. Бундай эзгу иш ва хайрли амаллар натижаси ўларок, юртдошларимизнинг

ҲОНАДОНЛАР ЧАРОҒОН, КЎНГИЛЛАР ХОТИРЖАМ

турмуш фаровонлиги йил сайин юксалмоқда. Эртанги кун ва келажакка бўлган ишонч ошаётти.

Халқимизнинг яшаш шароитини янада яхшилаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда Президентимизнинг 2025 йил 30 январдаги "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини молиялаштириш тартиб-тамоийилларини такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони айнаи мудоаа бўлмоқда.

Дастуруламал ҳужжатда муаммоларни ўрганиш ва ечим топиш устувор вазифа эканлиги алоҳида таъкидланган. Шунга асосан ичимлик суви таъминотини яхшилаш, ички йўлларни таъмирлаш, қишлоққа саноатни олиб кириш, қайта ишлашни

йўлга қўйиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш жойлари ташкил қилишга амалий кўмак бериш фаолиятимиз мезонига айланган. Ушбу мақсадда туман ҳокимлиги, прокуратура, ички ишлар бўлими, "Нуроний" жамғармаси, "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, электр таъминоти корхонаси ва бошқа ташкилотлар билан

мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Ўзбекистон ХДП туман кенгаши, депутатлик гуруҳи ҳамда ҳамкорлар саъй-ҳаракати билан "Овчи" маҳалласида янги бетон таянчлар ўрнатилаётгани ва жиҳозлар алмаштирилаётгани ҳам бунинг ёрқин исботидир.

– Мазкур ҳудудда 5 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда, – давом этади халқ депутатлари Олтинсой туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзоси Абдор Эгамбердиев. – Икки мингга яқин хўжалик бор. Электр таянчи ва узатмалар ўтган асрнинг 65-70-йилларида қўйилган бўлиб, бугунги кун талабига жавоб беролмай қолганди. Таъминотдаги камчилик ва нуқсонлардан одамлар қийналгани ҳақиқат.

Шулар инобатга олинган ҳолда Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йилининг дастлабки чорагида хайрли ишлар бошланганди. Қисқа даврда 30 га яқин бетон устун ўрнатилиб, тегишли узатма ҳамда жиҳозлар янгиланди. Қатор ускуналар қайта таъмирланди. Қурилиш-бунёдқорлик ишларини барча манзилларда давом эттириш кўзда тутилган. Бу куз-қиш мавсумида узилиш ва чекловларнинг олдини олиб, аҳолининг турмуш сифатини яхшилаши табиий.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, "Ўзбекистон овози" мухбири.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Olim RAVSHANOV
Toشتهмир XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 637. 4002 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 20:30

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda